

4-26-2020

PHONOPSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF EXCLAMATION SOUNDS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Iroda Sidikovna Kakharova

Tashkent institute of architecture and construction senior lecturer, doctor of philosophy (PhD) in philology

Gulrux Shavkatovna Qahhorova

BSU basic doctoral student

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Kakharova, Iroda Sidikovna and Qahhorova, Gulrux Shavkatovna (2020) "PHONOPSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF EXCLAMATION SOUNDS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 2 , Article 18.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/2/4

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss2/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

Ойнада эшитмаяпсизми?

Кичиккина тирқиш орқали у кириб боради

Ва мушук каби пишқиради ва тупуради.

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

– Мен шуларнинг кичқириқларини эшитаман,

Пьер Менантонинг бу мисраларида шамолнинг ташхис (жонлантириш) ва ташбех (ўхшатиш) санъатлари асосида бадиий ифода этилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса. Француз ва ўзбек тилларидаги деопозитонимлар лексик-семантик моҳияти, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари ҳар иккала миллатнинг яшаш табиий-иқлим шароити, тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккур тарзи билан узвий боғлиқликдир. Улар ўзига хос миллий белгилар орқали лингвомаданий ҳамда лингвопоэтик аспектда бадиий аънаналар қонуниятлари доирасида образлантирилиши кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Andaniyazova D.R. *Badiiy matnda onomastik birliklar lingvopoetikasi: Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*. - T., 2017. - 48 b.
2. Bulatova A.G., Bulatov A.O. *Nekotorie religioznie verovaniya i mifologicheskie predstavleniya dagestantsev, svyazannie s kalendarem. // Problemi mifologii i verovaniy narodov Dagestana. - Maxachkala, 1988. - S. 43.*
3. Jo'rayev M., O'raeva D. *O'zbek mifologiyasi. Darslik. - T.: Navro'z, 2019. - 510 b.*
4. Kalinkin V.M. *Teoreticheskie osnovi poeticheskoy onomastiki: Avtoref. diss. ... d-ra filol. nauk. - Kiev, 2000.*
5. Mirzaev I.K. *Problemi lingvopoeticheskoy interpretatsii stixotvornogo teksta: Avtoref. diss. ... d-ra filol. nauk. - Tashkent, 1992.*
6. Nurmonov A. *Tilshunoslikning adabiyot bilan munosabati // Tanlangan asarlar. 3 jildli. - Toshkent: Akademnashr, 2012. - 3-jild. - B. 163.*
7. www.http://www.kratkiy-slovar-terminov-i-ponyatiy-literaturnoy-onomastiki-poetonimologii

УДК: 81.344

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА УНДОВНИ ИФОДАЛОВЧИ ТОВУШЛАРНИНГ ФОНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ФОНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОГЛАСНЫХ ЗВУКОВ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

PHONOPSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF EXCLAMATION SOUNDS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Кахарова Ирода Сидиковна

ТАҚИ катта ўқитувчи, фил.ф.ф.д. (PhD),

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна

БухДУ таянч докторанти

Kakharova Iroda Sidikovna

Tashkent institute of architecture and construction senior lecturer,

doctor of philosophy (PhD) in philology,

Qahhorova Gulrux Shavkatovna

BSU basic doctoral student

Аннотация. Ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантиқий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғлиқ, ягона нутқий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тилнинг нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода, тилишуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида, ўзига хос лисоний, нутқий тузилмалардан бири сифатида қабул қилинади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар лисоний, интонацион ҳамда грамматик воситалар орқали ҳис-

ҳаяжсон аффе́ктларни узатиш, етказишга қаратилган лисоний ва нутқий тузилма, махсус синтактик қурилмалардан бири сифатида идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш каби фаолиятларга оид тушунча ва категориялар билан кенгайиб боради. Уларда инсоннинг тафаккур фаолияти, ҳис қилиш ёки ҳис-туйғуларини ифода этиш фаолияти намоён бўлади.

Таянч сўзлар: фонема, нефонематик товуш, фонопсихология, эмоция, ундов сўз, интенсив, экспрессив, ҳис-ҳаяжсон гап, эмоционал ундов, ҳис-ҳаяжсон ундовлари.

Аннотация. В эмоциональной речи специфичные для человека лингвистические, логические и духовные действия взаимосвязаны, что уникальным образом отражает уникальный процесс словесного мышления, что еще раз демонстрирует, что язык является одним из средств движения не только ума, но и психики. В этом смысле в лингвистике эмоциональная речь воспринимается как одна из отчетливых языковых структур речи.

Эмоциональная речь расширяется за счет понятий и категорий, связанных с такими видами деятельности, как восприятие, познание, понимание, анализ как лингвистическая и речевая структура, одно из специальных синтаксических устройств, направленных на передачу эмоционального воздействия посредством лингвистических, интонационных и грамматических средств. Они проявляют активность мышления, чувств или выражения чувств человека.

Ключевые слова: фонема, нефонематический звук, фонопсихология, эмоция, восклицание, интенсивная, выразительная, эмоциональная речь, эмоциональное побуждение, эмоциональное побуждение.

Abstract. In emotional speech, inherent to human- linguistic, logical, and spiritual activities are interconnected, reflecting a unique process of verbal thinking in a unique way, which once again demonstrates that language is one of the means of moving not only the mind but also the psyche. In this sense, in linguistics, emotional speech is perceived as one of the distinct linguistic structures of speech. Emotional speech expands due to concepts and categories associated with activities such as perception, cognition, understanding, analysis as a linguistic and speech structure, one of the special syntactic devices aimed at transmitting and transmitting emotional effects through linguistic, intonational and grammatical means. They are active in thinking, feeling, or expressing human feelings.

Key words: phoneme, nonphonematic sound, phonopsychology, emotion, exclamation, intensive, expressive, emotional sentence, emotional exclamation

Кириш. Жаҳон халқларининг тил – тафаккур – ҳиссиёт кетма-кетлиги асосида эмоционал лексикаси шаклланган. Улар воситасида объектив ҳақиқатни тушуниш, идрок этиш ва тушунтиришга қаратилган ҳис-ҳаяжсон гаплар пайдо бўлади. Бундай гаплар эмоционаллик билан бирга баҳолаш, образлилик, экспрессивлик ва интенсивликка ҳам хизмат қилади. Тил тизимининг инсон ҳис-туйғуларини ифодалаш ва унга таъсир қилиш элементларини камраб олувчи ҳис-ҳаяжсон гаплар ижтимоий-психологик таъсирланиш манбаи сифатида жаҳон тилшунослигида алоҳида аҳамият касб этади.

Уларни турли тизимли тиллар доирасида когнитив-прагматик жихатдан чоғиштириб ўрганиш асосида тилнинг инсон маданий ҳаёти ва турмуш тарзи, психологияси билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланиб борганлигини англаш мумкин. Шунинг учун дунё тилшунослигида турли руҳий ҳолатлар, ҳис-кечинма ва сезгиларни тилда акс эттириш билан боғлиқ восита ва усулларни аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Натижа ва мулоҳазалар. Ҳис-ҳаяжсон гапларни фалсафий тилшунослик ва психология хатто, биология ва физиология фанлари кесимида тадқиқ этиш уларни когнитив ўрганишга олиб келади. Ш.Сафаровнинг фикрича, “Когнитив тилшунослик мажмуавий (комплекс) тадқиқот йўналишидир...” [Сафаров 2016; 14]. Шунингдек, С.Д. Кацнельсоннинг фикрича, “Тил нафақат мулоқот куроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи куролдир” [Кацнельсон 1972, 110]. Дарҳақиқат, ҳис-ҳаяжсон гапларда тафаккур ва ҳиссиёт узвийлашувининг тилдаги инъикоси кузатилади. Г.Паул гап сўзловчининг руҳиятида рўй

берган ҳолатни ифодалашини эътироф этган [Пауль 1960; 140-143]. Инсон нутки нафақат тил, қолаверса, руҳий омиллар асосида ҳам қўлланилади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар баён этилаётган фикрга хурсандлик, шодланиш, завқланиш, хузурланиш, тантана, қониқиш, лаззатланиш, ишонч, қойил қолиш, эркаланиш, тараддуд, ҳайрат, ҳаяжон, таажжуб, ваҳима, қўрқув, оғриқ, афсусланиш, ғазаб, нафрат, ишонмаслик, шубҳа, кесатиш, қочирим, таъна, мазах, менсимаслик, нописандлик, баланд келиш, қўрқитиш, ёқтирмаслик, кескин ва қатъий огоҳлантириш, ачитиб гапириш сингари ижобий ёхуд салбий ҳис-туйғулар, руҳий кечинмаларга мос пайдо бўлган эмоционал муносабатни кучли оҳангда ифода этиши билан дарак, сўроқ, буйруқ мақсадли эмоционал бўлмаган гаплардан фарқланади.

Эмоционал сўзлар гарчи лексик (аташ) маъносини ифода этмаса-да, онгда идрок этилади ва тушунча ҳосил қилади. Лисоний моддийлашгани туфайли хотирадан ўрин эгаллаган. Фикримизча, бунга уларнинг онг ва тил тизимида дахлдорлиги замин яратган. Тўғри, эмоционал сўз улар тасаввурда образ ҳосил қилмайди, лекин уларнинг онгда идрок этилиши орқали жамланган билимлар турлича характер касб этади. Бундан уларнинг турли маънавий гуруҳлари пайдо бўлади. Уларни гуруҳлантириш учун эса бу каби лисоний бирликларнинг маъно ифодалаш услубларига таянилади.

Бир сўз билан айтганда, эмоционал сўзлар онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсулидир. Айтайлик, тана лаззатни ҳис қилса, кўпинча онг ва тилда бу ҳолат “оҳ” ундови орқали ифода этилади (*Оҳ, бунча маза!*). Лекин баъзан айнан шу ундов сўз танада бирдан ҳосил бўлган оғриқни ифодалашда ҳам қўлланади (*Оҳ, қўлим!*). Демак, ҳис-ҳаяжон гаплар инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан бирга ҳиссий кечинмаларига ҳамоҳанглигини кўрсатади.

И.Р. Павлов таъкидлаганидек, сўзлар олий нерв фаолиятининг шаклларида бири бўлса, эмоциялар унинг намоён бўлишидир [Павлов 1951; 506]. Шунинг учун инсон ҳиссийётининг сўздаги ифодаси психофизиологик ва ижтимоий асосга эга, чунки ҳис-ҳаяжонлар реал дунё компонентларини унинг тилдаги ифодаси сингари сўз орқали инсоннинг типик психологик ҳолатлари билан боғлиқликда акс эттиради.

Ҳис-ҳаяжон ундовларининг эмоционал маъноси объектив дунёдан олинган таассуротнинг киши онгида умумлаштирилишидан ҳосил бўлади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари кўпинча сўзловчининг маълум шароитда ўз фикрини умумий мазмунда англатиш эҳтиёжи туфайли қўлланилади.

Маълумки, эмоционал маънони ифодалаш, одатда, оҳанг (интонация) ва унлиларнинг узун-қисқалиги, талаффузнинг суръати билан ҳам боғлиқ бўлади. Ўзбек тилида ҳис-ҳаяжон ундовлари, асосан, куйидагидир: *и, э, а, о, ў, их, их, эҳ, эҳ, ох, оҳ, уҳ, ҳм (ҳим, им), бе, хо, ҳе, ҳа, уф, фу, туф, дод, вой, хаҳ, оббо, ура, ўҳў, ўҳўў, оҳо (оҳҳо), аҳа, эҳа, эҳе (эҳҳе), ие* ва бошқалар. Кўринадики, ҳис-ҳаяжон ундовларининг бир қисмини товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари: *и, э, а, о, ў, ё* фонемалари ташкил этади.

Товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларнинг бир тизимга мансуб бўлмаган икки тил, яъни инглиз ва ўзбек тилида қўлланишини бадиий матнларнинг таржимаси мисолида кузатганимизда, *ў* товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз тилида учрамаслиги ўз-ўзидан аён бўлди. Лекин инглиз тилидан ўзбек тилига амалга оширилган таржима матнларида унинг учраши кузатилди. Бунда у кўпроқ *оҳ* ундовининг ўрнида қўлланилгани кўзга ташланади: *Oh! (S.M. Rain, 19) – Ўҳ-ҳў! (A.O. Ёмгир, 14).*

Ўзбек тилида *ў* ундови ҳайрат, нописандлик, менсимаслик, инкор этиш сингари маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади. Агар у юқоридаги мисолдагидек *ў-ҳў* кўринишида қўлланса, кучли ҳайратни билдиради: *Watteu! he cried (S.M. The Fortunate Painter, 230) – Ўҳ-ҳў-ў, бу Ватоннинг иши-ку! – дея хурсандчилигини ошкор этди у. (M.O. Омади чопган мусаввир, 22).*

Бирон киши томонидан илгари сурилаётган фикр ёки хулосани кескин инкор қилишда кўпинча у *ў-ў* кўринишида такрор ишлатилади: *Ў-ў, бунга ишиша бутилка сабаб бўлган*

(А.О. Чандиқли киши, 76) – *Oh, that was due to a bottle that burst when I was opening it* (S.M. *The Man with the Scar*, 76).

А товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида, асосан, эътироз билдириш, тахмин қилиш маъноларида қўлланади. Жумладан, *A-a, назаримда, бугунги кун сизга бир оз нохушроқ бошланганга ўхшайди, – деди чол, оталарча жилмайиб* (М.О. *Омади чонган мусаввир*, 19) мисолида унинг тахмин, чама маъносида ишлатилгани сезилади.

Шуниси борки, таржима жараёнида аслиятда бўлмаса-да, таржимада ундов сўзлардан фойдаланилади. Ёхуд, аксинча, аслиятда мавжуд ундов сўз таржима матнидан тушириб қолдирилади. Бу ҳолат уларга хос ҳиссий ва модал муносабат ифода этиш хусусияти билан боғлиқдир. Айтайлик, *You ought to have been up before dawn like me. Lazy beggar* (S.M. *Mackintosh*, 107) гапида **a** ундови мавжуд бўлмаса-да, шу гапнинг таржимасида ундан фойдаланилган: *Менга ўхшаб тонг отмасдан, эрта саҳарда ўрнингиздан турсангиз бўлмайдим, а, ишқмас танбал!* (М.О. *Макинтош*, 146). Шу асосда инглиз тилидаги дарак гап ўзбек тилига ҳис-ҳаяжон гап кўринишида ўгирилган.

O ундош товушидан иборат ундов сўз ўзбек ва инглиз тилларида тасдиқ (O, yes, yes); хайрат ва завқ *O! Мэйбл хонимни айтасизми? У жудаям аломат аёл* (М.О. *Мэйбл хоним*, 87)–*She had been a pretty little thing.* (S.M. *The Tairan*, 570); *O, мсье, сиз бағоят саховатпеша ва меҳрибонсиз! – ҳайқириб юборди Чарли* (М.О. *Омади чонган мусаввир*, 22) – *That would be awfully good of you cried Charlie* (S.M. *The Fortunate Painter*, 230); кониқиш ва мамнунлик *O, мсье Леур. Марҳамат, ичкарига киринг* (М.О. *Омади чонган мусаввир*, 15) – *Come in cried Charlie, looking round* (S.M. *The Fortunate Painter*, 228); огоҳлантириш *O, азизим, биласизми, сиз каби бугунги авлод ёшлари ниҳоятда бесабр* (М.О. *Омади чонган мусаввир*, 15) – *My dear fellow you young men are so impatient* (S.M. *The Fortunate Painter*, 228); норозиликни *O-о... жин урсин... тагин нималар қилиб юрибсиз, мсье?* (М.О. *Омади чонган мусаввир*, 31)–*What the dickens are you doing?* (S.M. *The Fortunate Painter*, 234) ифодалаб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таржима жараёнида аслиятда бўлмаган ундовларни кўшиб таржима қилиш ушбу ундов товуши мисолида ҳам кузатилади. Жумладан: *She had been a pretty little thing* (S.M. *The Tairan*, 570) гапининг ўзбекча *O, нақадар ажойиб, офатижон қиз эди у* (М.О. *Тайпан*, 75) таржимасини кузатар эканмиз, унга мутаржим томонидан қўшилган **o** ундови эътиборни тортади. Бу билан таржимон ушбу гапнинг таъсирчанлигини кучайтиришга тиришгани англашилади. Баъзан бундай ҳолатларда таржимонларнинг товуш ундовларини такрор келтириш орқали интенсивликка эришгани кузатилади: *You're quite a stranger, Mr Mackintosh* (S.M. *Mackintosh*, 120).

Кўринадики, асл матнда **o** ундови йўқ, лекин унинг таржимасида мавжуд. Қолаверса, такрор ҳам қўлланган: *O-o, жаноб Макинтош, биз тарафларда умуман кўринмай кетдингиз* (М.О. *Макинтош*, 196). Шу орқали таржима матни таъсирчанлигининг орттирилишига эришилган. **Ox** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида шаклан ва мазмунан мослик ҳосил қилиши алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто бу мослик таржима матнларида *Oh, with her heart it was out of the question* (S.M. *Louise*, 257) – *Ox, бу юрагим билан эрга тегиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмайман* (А.О. *Луиза*, 94) яққол кўзга ташланади.

Ҳар иккала тилда ҳам **o** унлисига **x** юмшоқ бўғиз товушининг бирикишидан ҳосил бўлган **ox** ундови инсоннинг ич-ичидан отилиб чиққан, бўғизгача келган оҳ-ноласи, дарди, надомати, алам-ҳасрати, қалб қийноқлари, ҳадик ва кўркувини ифодалашга хизмат қилади. Қуйидаги мисол худди шу жиҳатдан фикримизга ёрқин далил бўла олади: *Oh, monstrous, 'she cried. Monstrous! Monstrous!* (S.M. *The Creative Impulse*, 354) – *Ox, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! – деб қичқириб юборди* (А.О. *Ижодий парвоз*, 125).

Шунингдек, **ox** ундови кишиларнинг пушаймонлик *Oh, you poor things, have you had no tea? she cried brightly* (S.M. *The Creative Impulse*, 363) – *Ox, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми?* (А.О. *Ижодий парвоз*, 130), илинж-истак *Ox... Шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! Озодлик!* (М.О. *Ажал таъқиб*, 54), ачиниш *Old Charlie dead-that's too bad. Old Charlie dead.* (S.M. *German Harry*, 65) – *Ox,*

нақадар даҳшат! Қария Чарли ўлибдими, ўлибди-я... Чарли ўлибди...?! (М.О. Одамови Гарри, 65), ғазаб-нафрат, имконсизлик *He would like to kill him* (S.M. Mackintosh, 118) – Оҳ, қани энди имкон топсам-у, бу ярамас чолни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам... Қандай завқ билан ўлдирган бўлардим-а, уни... (М.О. Макинтош, 191) сингари туйғуларини ифодалашда қўлланиб келади.

Э товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида эътироз қатори маъқуллаш, ҳайрат, завқланиш, нописандлик, инкор қилиш, иккиланиш сингари маъно оттенкаларини ифодалаб келадик, шунинг учун таржима жараёнида гарчи аслият матнида бўлмаса-да, таржимада уларга ўрин бериш хатолик сифатида қабул қилинмайди. Масалан, *That's what I'm always telling her. I can't get her to enjoy herself* (S.M. Louise, 259) – Э, буни унга доим айтаман. Дўстларинг билан ўйнаб кулиб юр деб, ҳеч кўндиролмадим (А.О. Луиза, 96); *Well, you know what she is. She sits there and smiles to herself* (S.M. Home, 106) – Э, унинг қанақалигини биласиз-ку. Ўрнида ўтирганича ўзича жилмаяди (А.О. Хонадон, 120).

Кўринадики, мисол қилиб олинган инглизча иккала гап таркибида ҳам э ундови мавжуд эмас, лекин уларнинг ўзбекча таржимасида бу ундов воқеланган. Бунга, албатта, келтирилган гапларнинг э ҳис-ҳаяжон ундови мазмунига мослиги, яъни биринчи гапнинг эътироз ва инкор, иккинчи ва учинчи гапларнинг эса норозилик маъноларини англатаётгани асос бўлган.

Э ундови кучли ҳайратни ҳам ифодалайди: Э, ҳа, ҳали бу кўчирма нусха денг? – деярли қичқириб юборди чол (М.О. Омади чопган мусаввир, 24) – *A copy? Cried Mobsieur Leir* (S.M. The Fortunate Painter, 231). Агар у такрор қўлланса, кучли ҳайрат баробарида кучли қониқиш ҳиссини ҳам ифодалай олади: Э-э... Офарин. Қойил сизга-эй... (М.О. Омади чопган мусаввир, 30).

Ўзбек тилига мансуб эҳ ҳис-ҳаяжон ундови инглизча матнлар ўзбекчага ўгирилаётганда инглиз тилидаги **oh** ҳамда **you** ундовларига муқобил вариант сифатида танлангани аёнлашди. Масалан: *Oh, if you wait for that, you'll wait a long time* (S.M. Rain, 17) – Эҳ-ҳе, қўёшни ҳали узоқ кутасиз (А.О. Ёмғир, 12).

Эҳ-ҳе кўринишида келган ҳис-ҳаяжон ундовида интензивлик, маънони кучайтириш ҳолати намоён бўлади: *I read a great deal* (S.M. The wash-tube, 809) – Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча китобни ўқиб чиқдим (А.О. Қиртоғора, 112).

Эй бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тили матнларида инкор қилиш, эътироз билдириш, аламзадалик, пушаймонлик тушунчаларини ифодалаш учун қўлланади: *Эй, бундай рассом бўлгандан кўра, кўча супурадиган фаррош бўлганим минг карра авлороқ эди-я!* – хитоб қилди у аламзадалик билан (М.О. Омади чопган мусаввир, 16) – *I wish I'd been a crossing –sweeper rather than a painter* (S.M. The Fortunate Painter, 228).

Эй, эллик йиллик дарбадарлигимдан сўнг менга Франция ёки Корсикада бало бормиди?! (М.О. Ажал таъқиби, 56) – *What are France and Corsica to me after fifty years?* (S.M. French Joe, 707) гапида эй ундови орқали пушаймонлик ҳолати ифода этилмоқда.

Эй ундовининг Э-э-эй шаклидаги интенсив кўриниши ҳам учрайди ва ўзида қойил қолиш, кучли ҳайратланиш маъноларини ифодалайди: Э-э-эй, жасоратингизга қойилман-эй! – деди у кулгисидан нафаси тиқилгудай бўлиб (М.О. Омади чопган мусаввир, 30) – *I like your damed impudence, trying to pass that off as a copy* (S.M. The Fortunate Painter, 233).

Шуниси ҳам борки, инглизча матнларнинг ўзбекча таржималарида **Oh** ундовининг **Эй** ундовига алмаштирилгани кузатилади: *Oh, my God,' he cried, 'if I were only safely back in England* (S.M. The Tairan, 572) – Эй, Худойим! – ҳайқирди у. – Ишқилиб, эсон-омон Англияга қайтиб бора олсам бас! (М.О. Тайпан, 83).

Ўзбек тилида -у юкламасининг фикрни кучайтирув-таъкидлаш учун юклама вазифасида, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш учун боғловчи сифатида қўлланиши маълум, лекин тубандаги инглизча гапнинг ўзбекча таржимасида унинг сўроқ-таажжуб ҳамда кучайтирув-таъкид маъносида қўлланилгани эътиборни тортади: *Oh, well, you've been prepared for that for nearly twenty years now, haven't you?* (S.M. Louise, 258) – Йўғ-э, бунга йиғирма йилдан бери тайёрланасиз-у? (А.О. Луиза, 95).

Ё товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилида ҳам (“Ё, Оллоҳ, ўзинг қўлла!” “Ё, қудратингдан!”), инглиз тилида (You men!) ҳам учрайди ва ҳар иккала тилда ҳам кучли ҳайратни ифодалайди.

Кузатилган матнлар мисолида айтиш мумкинки, товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам кузатилди.

Инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилига ўгирилган матнлар таркибида э товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилиши кузатилади: *Oh, it was nothing. I guess my back's broad enough to bear a few hard words (S.M. Rain, 33) – Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман (А.О. Ёмғир, 39).*

Шунингдек, инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовини ўзбекча таржима матнларида **o** товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилгани ҳам кўзга ташланади: *Oh, no, I'm not hungry; you see, I don't eat luncheon (S.M. The Luncheon, 98) – O, йўқ, мен оч эмасман. Кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман (А.О. Нонушта, 85).*

Айтиш керакки, ундов сўзларнинг қайси маънода келаётганини англашда уларнинг ёнида қўлланаётган сўзларга эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, юқоридаги гапда **ox**, **o** ундовларининг ёнида келаётган **йўқ** инкорни билдирувчи модал сўзи орқали бу ундовларнинг ҳам инкорни билдириб келаётгани англашилади.

Кузатилган матнлар мисолида айтиш мумкинки, товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам кузатилди. Бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларидан **ox (oh)** ва **ax (ah)** ундовлари инглизча матнларда кўп учрайди.

Ox бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида шаклан ва мазмунан мослик ҳосил қилиши алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто бу мослик таржима матнларида *Oh, with her heart it was out of the question (S.M. Louise, 257) – Oх, бу юрагим билан эрга тегиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмайман (А.О. Луиза, 94)* яққол кўзга ташланади.

Ҳар иккала тилда ҳам **o** унлисига **x** юмшоқ бўғиз товушининг бирикишидан ҳосил бўлган **ox** ундови инсоннинг ич-ичидан отилиб чиққан, бўғизгача келган **ox**-ноласи, дарди, надомати, алам-ҳасрати, қалб кийноқлари, ҳадик ва қўрқувини ёритиб беришга хизмат қилади. Куйидаги мисол худди шу жиҳатдан фикримизга ёрқин далил бўла олади: *Oh, monstrous, she cried. Monstrous! Monstrous! (S.M. The Creative Impulse, 354) – Oх, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! – деб қичқириб юборди (А.О. Ижодий парвоз, 125).*

Шунингдек, **ox** ундови кишиларнинг пушаймонлик *Oh, you poor things, have you had no tea? she cried brightly (S.M. The Creative Impulse, 363) – Oх, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? (А.О. Ижодий парвоз, 130),* илинж-истак *Oх... Шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! Озодлик! (М.О. Ажал таъқиби, 54),* ачиниш *Old Charlie dead-that's too bad. Old Charlie dead. (S.M. German Harry, 65) – Oх, нақадар даҳшат! Қария Чарли ўлибдими, ўлибди-я... Чарли ўлибди... ?! (М.О. Одамови Гарри, 65),* ғазаб-нафрат, имконсизлик *He would like to kill him (S.M. Mackintosh, 118) – Oх, қани энди имкон топсам-у, бу ярамас чолни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам... Қандай завқ билан ўлдирган бўлардим-а, уни... (М.О. Макинтош, 191)* сингари туйғуларини ифодалашда қўлланиб келади.

Инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилига ўгирилган матнлар таркибида э товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилиши кузатилади: *Oh, it was nothing. I guess my back's broad enough to bear a few hard words (S.M. Rain, 33) – Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман (А.О. Ёмғир, 39).*

Шунингдек, инглиз тилидаги **oh** бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовини ўзбекча таржима матнларида **o** товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилгани ҳам кўзга ташланади: *Oh, no, I'm not hungry; you see, I don't eat luncheon (S.M. The Luncheon, 98) – O, йўқ, мен оч эмасман. Кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман (А.О. Нонушта, 85).*

Инглиз тилидаги **oh** ҳис-ҳаяжон ундови ўзбекчага **хой** хитоб ундови орқали ҳам

Умуман, ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ ҳолатлар психология билан узвий боғлиқдир. Ҳис-ҳаяжон универсал психологик ҳодиса сифатида инсонларга хос табиий, шахсий ҳиссиётларни ифодалайди.

Ҳис-ҳаяжон нейрофизиологик жараёнлар натижасида юзага келади. Бу жараёнлар ички ва ташқи омиллар билан шаклланади, субъектив ҳодиса ва жараёнларга, шахснинг муносабатига асосланади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари воқеа-ҳодисанинг бевосита таъсири натижасида туғиладиган руҳий ҳолат, ҳис-ҳаяжон ва субъектнинг объектга муносабатини англатади, лекин ўша руҳий ҳолатни атаб кўрсатмайди.

“Ой ва сариқ чақа” романида воқеалар XX асрнинг бошида бўлиб ўтади. Романдаги воқеаларни айтиб берувчи йигит илк муваффақиятини қўлга киритар экан, бунинг эвазига Стрикленд хоним уни уйига нонуштага таклиф қилади. Бироқ хонимнинг эри – биржа маклери бу нонуштада иштирок этолмайди. У жуда зерикарли, ўртамиёна, диққатни тортадиган ҳеч нарсага йўқ инсон эди. Асарнинг тўртинчи бобида ёш йигит Уортерфорддан у ҳақда сўрайди: *Is there a Mr. Strickland? – I asked. Oh yes; he's something in the city. I believe he's a stockbroker. He's very dull* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 26). Ўзбек тилида бу гап куйидагича жаранглайди: *Айтинг-чи, жаноб Стрикленд деган одам борми ўзи? – қизиқсиниб сўрадим мен. О, албатта бор-да; у Ситида нимадир қилади. Биржа даллоли бўлиб ишлайди, шекилли. Жуда зерикарли одам!* (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 17).

Асарнинг тўртинчи бобида ёш йигит Уортерфорддан у ҳақда сўрайди: *Is there a Mr. Strickland? – I asked. Oh yes; he's something in the city. I believe he's a stockbroker. He's very dull* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 26). Ўзбек тилида бу гап куйидагича жаранглайди: *Айтинг-чи, жаноб Стрикленд деган одам борми ўзи? – қизиқсиниб сўрадим мен. О, албатта бор-да; у Ситида нимадир қилади. Биржа даллоли бўлиб ишлайди, шекилли. Жуда зерикарли одам!* (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 17).

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда эмотивлар (ҳис-ҳаяжон ундовлари *Oh my dear, life is so short and love is so transitory* (S.M. *Theatre*, 267) – **Ох**, азизам, умр бирам қисқа, муҳаббат шунчалар ўткинчи (Г.М. *Ўткинчи эҳтирос*, 178), таъкид юкламалари *Mon Dieu, this is genius* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 294) – Худо ҳаққи, бу даҳо-ку! (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 224), сўроқ олмошлари *Oh my dear, – cried Julia gaily. How marvellous!* (S.M. *Theatre*, 193) – **Ё, худойим!** – шодланиб хитоб қилди Жулия. – Қандай ажойиб! (Г.М. *Ўткинчи эҳтирос*, 127) фойдаланилади.

Шу маънода, у ҳис-ҳаяжон гапларнинг шаклий тузилмасини бир қарашдаёқ белгилаб кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир. Бироқ инглиз тилидаги ҳис-ҳаяжон гапларда ундов белгисини қўллаш доимий ҳолат сифатида кузатилмаслиги аён бўлди (*масалан: Oh, Julia, you are a brick. I never knew what a wonderful woman you were* (S.M. *Theatre*, 231) – **О**, Жулия, сен – мард аёлсан-да! Шунақа олижаноблигингни тасаввур ҳам қилмагандим! (Г.М. *Ўткинчи эҳтирос*, 154)).

Бу ўринда сўроқ гапнинг жавоби ҳис-ҳаяжон гап билан ифода этилгани эътиборни тортади. Аслият тилида ҳис-ҳаяжон гапни ҳосил қилишда бир бўғиндан иборат **ох** ундовидан фойдаланилган бўлса, таржима тилида биргина товушдан иборат **о** ундови қўлланилган. Лекин ҳар иккала матнда ҳам киноя мазмуни ва оҳанги сақланган. Яна шуниси борки, таржимада эмоция кучлилиги, коннотация эмоциянинг бир тури эканлиги кўринади.

Стрикленд хонимнинг Мак Эндрю хонимга мурожаати уч (инглиз, рус ва ўзбек) тилда куйидагича ифода этилган:

Аслият – инглизчада: *Oh, my dear, remember what we've just heard* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 80).

Восита тил – русчада: *Ах, милочка, вспомни, что тебе о нем сказали* (Н.М. *Луна и грош*, 95).

Таржима тил – ўзбекчада: *Эҳ, жонгиним, у тўғрисида сенга айтиб беришган гапларни эслаб кўр* (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 62).

Асл нусхадаги ҳис-ҳаяжон *Oh, my dear, remember what we've just heard* жумласини ўзбек тилига таржима қилганда *Эҳ, жонгинам, биз ҳозиргина эшитган гапларни бир эслаб кўр* деган мазмун чиқади. Чунки асл нусхада “у тўғрисида сенга айтиб беришган” жумласи йўқ.

Моэм асарларида ҳис-ҳаяжон гапларнинг турлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши ўрганилиши натижасида адабий асарнинг бадиий-эстетик таъсир кучи муаллифнинг поэтик маҳорати, бадиий нутқ услубига боғлиқлиги далилланди. Ижодкор сўз воситасида образ яратиши, эпик тасвир ва бадиий ифода аниқлигига эришиши асосланди. Адиб қўллаган эмоционал сўз ва иборалар, усул ва воситаларга эътибор қаратилди. Шу асосда инглиз тилида қурилган ҳис-ҳаяжон гапларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳолатларига хос хусусиятлар, ўзгаришлар аниқланди:

Ундов сўзларни айнан сақлаш: *Oh, keep that for Mr. Gosselyn, Miss Phillips (S.M. Theatre, 117) – Оҳ, бундай гапларни жаноб Госселин учун сақлаб қўйинг, Филиппе хоним! – деди Жулия (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 75).*

Ундов сўзларни алмаштириб, бирининг ўрнида бошқасини қўллаш: *Oh, my God, I thought you were dead, – cried out Stroeve (S.M. The Moon and Sixpence, 125) – Эй, худойим! – қичқириб юборди Стрөв. – Мен сизни ўлиб қолди, деб ўйлабман (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 95).*

Умумлаштириб айтганда, ҳис-ҳаяжон ундовлари куйидаги маъноларни ифодалаши мумкин:

Чакирик: *Oh, my dear, remember what we've just heard (S.M. The Moon and Sixpence, 80) – Эҳ, жонгиним, у тўғрисида сенга айтиб беришган гапларни эслаб кўр (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 62).*

Ачиниш, афсусланиш ва безовталаниш: *Ah, I wish I could make you see the enchantment of that spot, a corner hidden away from all the world, with the blue sky overhead and the rich, luxuriant trees (S.M. The Moon and Sixpence, 270) – Эҳ, мен оламнинг кўзидан яширин бу овлоқ жойларнинг бутун гўзаллигини, беғубор осмони-ю, айқириб ўсиб ётган дарахтларини чиза олганимдайди! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 206).*

Қаноатланганлик: *Oh, nothing. She forced a smile to her ashy lips. I haven't been sleeping very well the last two or three nights (S.M. Theatre, 174) – О, ҳеч қандай қўрқинчли ери йўқ, қони қочган лабларида изтиробли табассум пайдо бўлди (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 114).* Нохушлик, истамаслик: *Oh, you mustn't. Michael shouldn't have asked you. I won't have it (S.M. Theatre, 80) – О, Майкл сиздан буни сўрамаслиги керак эди. Мен буни хоҳламайман (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

Ғурурланиш: *Oh, my love, don't you know there isn't anything in the world I wouldn't do for you? It'll be so wonderful; it'll bring us so close together and I shall be so proud of you (S.M. Theatre, 80) – Оҳ, менинг муҳаббатим, ахир сиз учун дунёда ҳамма нарсага тайёр эканлигимни билмасмидингиз! Бу бирам ажойиб бўлади, бизни шу қадар яқинлаштирадики... Мен сиз билан ниҳоятда ғурурланаман! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 51).*

Ҳис-ҳаяжон ундовлари сўзловчининг ички руҳий ҳолати-ҳаяжонини ифодалаши билан бирга, унинг жисмоний сезгиси билан боғлиқ эмоционал “қичқириқлари”ни ҳам ифодалайди. Бундай ундовларнинг шаклий томони ҳам одатдаги эмоционал ундовлар кабиدير.

Хулоса. Эмоция инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ҳамда кайфиятига ҳам алоқадордир. Тилда у ундов сўзлар воситасида юзага чиқади. Ундов сўзлар турли ўринда турли оттенкадаги кайфият, руҳий вазиятни англатади. Тилда уларнинг вокатив, императив ундовлар, расм-одат, табрик турлари мавжуд. Кўриниши жиҳатидан товуш, бўғин, сўз шаклида учрайди. Товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам. Бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлардан эса оҳ (oh) ва аҳ (ah) ундовлари инглизча матнларда кўп учрайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Safarov Sh. *Kognitiv tilshunoslik. - Jizzax: Sangzor, 2006. - 92 b.*
2. Katsnelson S.D. *Tipologiya yazika i rechevoy mishlenie. - Leningrad: Nauka, 1972. - S.110.*
3. Paul G. *Printsipi istorii yazika. - M.: Izdatelstvo inostrannoy literaturi, 1960. - S.140-143.*
4. Pavlov I.P. *Dvadtsatiletniy opit ob'ektivnogo izucheniya VID (povedeniya). 7-e izd. - M.: Meditsina, 1951, 506 S.*

5. William Somerset Maugham. *Theatre*. – Санкт-Петербург, KARO, 2015. - 384 с.
6. Somerset Moem. *O'tkinchi ehtiros. Gulchehra Muhammadjon qizi tarjimai*. - T.: DIZAYN-PRESS, 2013. 224 b.
7. William Somerset Maugham. *The Moon and Sixpence*. – Sankt-Peterburg: KARO, 2013, 384 с.
8. Uilyam Somerset Moem. *Oy va sariq chaqa. Tarjimon R*.
9. Inog'omov. -T.: DAVR PRESS 2012. - 236 b.
10. Somerset Moem. *Omadi chopgan musavvir. Muhiddin Omon tarjimai*. -T., Adabiyot uchqunlari, 2018. 160 b.
11. Somerset Moem. *Ajal ta'qibi. Muhiddin Omon tarjimai*. - T., Yangi avlod asri, 2018. 272 b.

УДК: 802.0-561.32+809.437.5-561.32.

**ЎЗБЕК ФОРМАЛ ТИЛШУНОСЛИГИДА КЕСИМ ВА ГАП ТАЛҚИНИ
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СКАЗУЕМОГО И ПРЕДЛОЖЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ
ФОРМАЛЬНОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ**

**INTERPRETATION OF PREDICATE AND SENTENCE
IN UZBEK FORMAL LINGUISTICS**

Болибекова Мавжуда Мардиевна
ЎзМУ доцент вазифасини бажарувчи (PhD)

Bolibekova Mavjuda Mardievna
acting associate professor of the National University of Uzbekistan (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек формал тилшунослигида кесим ва гап талқини ҳақида сўз юритилади. Формал йуналиши гап курилиши моҳиятини белгилашда оддий мантик тамойилларига асосланган. Шунинг учун гапда мутлақ ҳоким сифатида фикр (ҳукм) предмети (эга) олинган ва кесим ҳукм ҳақида ахборот берувчи қисм сифатида талқин этилган.

Таянч сўзлар: формал тилшунослик, назарий, кесим, гап, кесим категорияси, лингвистик бирлик.

Аннотация. В статье рассматривается интерпретация сказуемого и предложения в узбекском формальном языкознании. При определении сущности строения предложения формальное направление опирается на принципы обычной логики. В связи с этим в качестве абсолютного главного члена избирается предмет(подлежащее) мысли (суждения) и сказуемое интерпретируется в качестве члена предложения, представляющего информацию о суждении, а значит зависимой от подлежащего частью.

Ключевые слова: формальное языкознания, теоритический, сказуемое, предложение, категория сказуемого, лингвистическая единица.

Abstract. The interpretation of predicate and sentence in Uzbek formal linguistics is considered in the article. Formal approach based on the principles of logic in defining the essence of sentence structure. So it was interpreted the subject as a dominant part of the sentence the predicate as its dependent part.

Key words: Linguistics, theoretical, predicate, sentence, category of predicate, linguistic unit.

Қириш. Ўзбек формал тилшунослиги янги давр тилшунослиги сифатида XX асрнинг бошларида шакллана бошлади ва у ўз назарий-методологик илдизлари билан замонавий адабий тил ва унинг меъёрларини тавсифий-синхроник тадқиқ методига таяниб иш олиб борган Москва (Фортунатов) лингвистик мактабига – фанимизда формал тилшунослик [5] деб ном олган йўналишга бориб такалади. Ҳар томонлама асосланган диалектик методологик замин ва тамойилларига эга шарқона – VIII аср араб тилшунослиги асосида шаклланган – анъанавий тадқиқ методлари XIV асрдан кейин деярли қотиб қолганлиги боис ўзбек тилшунослиги фани замонавий – европавий тадқиқ усулларига ўтишда эргашиш йўлидан боришга мажбур эди.